



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 7 июль, № 142 (7922)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 75-СЕССИЯСИ РАИСИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

6 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга ташриф билан келган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессияси раиси Волкан Бозкирни қабул қилди.



Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари билан кўп қиррали ҳамкорлигини кенгайтириш истиқболлари муҳокима қилинди.

Давлатимиз раҳбари Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, глобал ва минтақавий ҳавфсизликни таъминлаш, бугунги куннинг янги таҳдид ва хатарларига қарши курашиш, шу жумладан, коронавирус пандемияси оқибатларини енгиб ўтиш каби усту-

вор йўналишларда мамлакатимиз ҳамда ташкилот институт ва тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик юқори даражада эканини мамнуният билан қайд этди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси сифатида Ўзбекистон бу борада муҳим ташаббусларни фаол илгари сурмоқда ва глобал кун тартибидан рўйга чиқаришда иштирок этмоқда.

Бундан ташқари, кейинги йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиёда ҳамкорликни мустаҳкам-

лаш, минтақадда туризмни барқарор ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, маърифат ва диний бағрикенглик,

Оролбўйида экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудини яратиш каби муҳим масалалар бўйича Бош Ассамблеянинг қатор махсус резолюциялари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Бош Ассамблеянинг жорий сессияси раиси Волкан Бозкир халқаро майдонда, энг аввало, БМТда Ўзбекистоннинг нуфузи ортиб бораётгани, давлатимиз раҳбарининг глобал ва минтақавий ташаббуслари халқаро

ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, гендер тенглик ва ёшларни қўллаб-қувватлашнинг долзарб жиҳатлари бўйича шериклик муносабатларини, шу жумладан, парламентлараро ҳамкорлик доирасида илгари суриш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, вакциналардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан тартибга солиш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва БМТ институтлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича яқин ва самарали мулоқотни давом эттириш юзасидан келишувга эришилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 июль куни Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Элбошини таваллуд куни билан самимий муборакбод этиб, унга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар, биродар Қозоғистон халқига тинчлик-осойишталик ва равақ тилади.

Нурсултон Назарбоевнинг замонавий Қозоғистонни барпо этиш ва мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишдаги алоҳида ўрни, Ўзбекистон — Қозоғистон яқин кўнаничилиги ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда минтақадда барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга қўшаётган катта ҳиссаси алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳофаза қилинди. Савдо, sanoat, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва логистика, туризм соҳаларидаги устувор лойиҳаларни, маданий-гуманитар соҳадаги кўшма дастурларни илгари суриш муҳим экани таъкидланди.

Шунингдек, минтақавий кун тартиби, энг аввало, Афғонистонда кескинлашаётган вазият юзасидан фикр алмашилди.

Бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режаси, шу жумладан, Қозоғистоннинг Биринчи Президенти Фахрий раислик қилаётган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувини ўтказиш масаласи кўриб чиқилди.

Икки биродар мамлакат етакчиларининг телефон орқали мулоқоти хар доимигдек самимий, ишончли ва дўстона руҳда ўтди.

Ў.А.

## ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРНИ ВАТАНГА ҚАЙТАРИШ ТАЖРИБАСИНИ БМТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ ДОИРАСИДА ТАҚДИМ ЭТДИ

Ўзбекистон 434 нафар аёл ва болани Сурия ҳамда Ироқдан ўз она юртига қайтарди. Бу амалий тажриба Женевада бўлиб ўтаётган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 47-сессияси доирасида тақдим этилди.

2021 йил 5 июль куни "Сурия ва Ироқдан олиб келинган аёллар ва болаларнинг реабилитацияси ҳамда реинтеграцияси" мавзусида ташкил этилган онлайн тадбирда Ўзбекистон вакиллари ушбу масала бўйича чиқишлар қилди.

Мамлакатимиз мазкур масалага жуда катта аҳамият бермоқда. Натижада 2019 йилдан буюн ҳукумат томонидан 5 та амалиёт ўтказилди ва жами 530 нафар инсон, асосан, аёллар ва болалар ўз уйларига олиб келинди.

— Мамлакатимиз мазкур



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ТАЛАБАЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ЯНАДА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ёшларни ўз устида мунтазам ишлашга ундаш ҳамда билимли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ихросини таъминлаш мақсадида:

1. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб давлат олий таълим муассасалари бакалавриятининг кундузги таълим шаклига кириш имтиҳонларида (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёшлар учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган **Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти** (кейинги ўринларда — Президент гранти) жорий қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки: а) давлат олий таълим муассасалари бакалавриятининг кундузги таълим шаклига кириш имтиҳонлари натижаларига кўра, таълим соҳалари кесимида, таълим олиш тилидан қатъи назар, республика бўйича энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг **200 нафари** Президент грантига даъвогар бўлади.

(Давоми 2-бетда).

## ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ МАСАЛАЛАР КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов жорий йилнинг 6 июль куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Владимир Норов билан учрашди.

Унда Ўзбекистон ва ШХТ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари ҳамда Ташкилот фаолиятини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

ШХТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгаши ва Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг бўлажак йиғилишлари кун тартиби ва ташкилий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Шунингдек, 16-17 сентябрь кунлари Душанбе шаҳрида ўтказиладиган саммит юзасидан ҳам қатор фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

— Йиғилишда биз Ўзбекистон ва ШХТ ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий ва туристик соҳаларга тегишли қатор ҳамкорлик алоқаларини муҳокама қилдик. Ташрифнинг асосий мақсади — Душанбеда ўтказиладиган навбатдаги саммит билан боғлиқ.



## ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессияси раиси Волкан Бозкир билан учрашди.

Унда Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

### Мулоқот

Томонлар сўнгги йилларда икки томонлама муносабатлар ва ўзаро мулоқот янги сифат даражасига кўтарилганлигини қайд этдилар. Жумладан, мамлакатимизда БМТ билан ўзаро ҳамкорлик-

ни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, тегишли чора-тадбирлар амалга ошириб келиняпти.

Учрашувда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида бажариладиган ишлар юзасидан маълумот берилди.

Хусусан, Барқарор ривожлантириш со-

ҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси тузилгани, парламент ва жамоатчилик эшитувлари ҳамда халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича Республика кенгаши ташкил этилгани таъкидланди.

Шунингдек, жорий йил 23-24 июнь кунлари Бухоро шаҳрида "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро глобал ҳамкорлик" мавзусида халқаро форум бўлиб ўтди.



# МЕХР ФАЛСАФАСИ

## ёхуд жамиятни янгилаётган тамойиллар



Яратганнинг инояти ила одам зотиға уни бошқа жонотлардан ажратиб турадиган қўллаб хислатлар ато этилган. Меҳр-мурувват, оқибат ҳам ана шундай умуминсоний хусусият, маънавий қадриятлар сирасига киради. Бу борада ўзига хос фалсафа, ижтимоий қарашлар ва ёндашувлар, умумий мезонлар, фаолият тамойиллари шаклланган. Президентимизнинг ташаббуси билан тобора янгилашиб бораётган мамлакатимиз ҳаётида меҳр фалсафаси қуруқ назариядан ҳаётбахш амалиётга айланмоқда. Халқимизнинг бу борадаги орзу-умидлари рўйга чиқмоқда, қўллаб хайрли савий-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

"Халқ сўзи" газетаси саҳифаларида таниқли сийёсатшунос Қудратилла Рафиковнинг "Миллатпарвар" ва "Менинг Президентим" мақолаларини ўқир эканман, муаллифнинг давлатимиз раҳбари топшириғи асосида амалга оширилган "Меҳр" дастури тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари алоҳида диққатимни тортди. Ушбу мавзунинг бошқа масалалар билан ўзаро уйғунликда баён қилингани эса Юртбошимиз томонидан амалда ўз исботини топаётган меҳр фалсафасининг жамиятимиз ҳаётининг таркибий қисми сифатидаги моҳиятини яққол намоён қилади.

### Нуқтаи назар

Аслини олганда ҳам кейинги йилларда барча соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва янгилишлар замирида Президентимизга хос улкан меҳр туйғуси,

инсонпарварлик қадриятлари устуворлиги яққол сезилиб туради.

Бу ҳақда фикр юритар эканмиз, ахборот майдонида кўпчиликни лол қолдир-

ган куйидаги хабарга эътибор қарата-

миз: "Бугунги кунга қадар "Меҳр" 1, 2, 3, 4 ва 5 операциялари амалга оширилиб, дунёнинг но-

### Эътироф

Маълумки, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Хелена Фрейзер "Меҳр — 5" операцияси доирасида нотинч ҳудудлардан аёллар ва болаларнинг қайтарилишини олқишлашини маълум қилганди. Ўз навбатида, АҚШ Давлат котиби Энтони Блинкен ҳам Ўзбекистоннинг ўз фуқароларини ҳарбий можаролар зоналаридан қайтариш борасидаги савий-ҳаракатларини юқори баҳолади.

тинч минтақаларидан юртимизга жами 530 нафар аёллар ва болалар қайтарилди.

Бир неча қатордан иборат ушбу хабарда қанчадан-қанча одамлар тақдирини, бутун дунёга машҳур ҳамда манзур бўлаётган меҳр-мурувват натижалари қисқа ва мухтасар тарзда акс этган.

Авалло, кечиримлик, бағрикенглик, инсонпарварлик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилатлардан. Хар бир кунимизнинг, турмушимизнинг олий қадриятига айланган бу тамойил бугун ҳам эзгулик, яхшиликка йўғрилган ишлар натижасида минглаб одамларнинг кўнглига малҳам бўлмоқда.







Мушоҳада

Мамлакатимизда турли динларга мансуб кадрларни асраб-авайлашга, фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун ва миллатларо ҳамжиҳатликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТУТУВЛИК – ТИНЧЛИГИМИЗ ГАРОВИ

Тарихдан маълумки, қайси жамият ҳаётида диний бағрикенглик тамойиллари ўз ифодасини топса, ўша жамиятда ўзаро ҳурмат ва салимийат барқарор бўлиб, инсонлар тинч-оқшайтга ҳаёт кечиради.

нинг амри ҳамда Расулининг умматга берган кўрсатмаси эди. Аллоҳ таоло "Моид" сурасида шундай марҳамат қилади: "Эй имон келтирганлар! Аллоҳ учун (тўғрилиқда) собит турувчи, одиллик билан гувоҳлик берувчи бўлингиз: бирор қавм (кишилар)ни ёқтирмаслик сизларни уларга нисбатан адолатсизлик қилишга ундамасин!"

риенгликнинг юксак кўринишига намуна бўла оладиган мисолларни кўглаб келтириш мумкин. Жумладан, Пайгамбар салоллоху алайҳи васаллам Мадинани ҳижрат этганларидан сўнг у ердаги яҳудийлар билан аҳднома тузиб, тинч-тотув ва жамият манфаати учун ҳамкорлик асосларини белгилаб, унга амал қилиб яшадилар. Шунингдек, Жайбар газотида мусулмонларга ўлжа тулган нарсалар ичида Тавротдан бир қанча саҳифалар ҳам бор эди. Яҳудийлар келиб, Расулulloх салоллоху алайҳи васалламдан ўша саҳифаларни қайтариб беришни сўради. Пайгамбар алайҳиуссалом уларни яҳудийларга қайтариб беришга амр қилдилар. Зеро, бошқа дин вакилларининг кадрларини

Жамиятнинг ривожланиши, тинчлик ҳамда оқшайтлик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик қарор топиши инсонларнинг ўзаро меҳр-оқибатли бўлиши, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиши, қариндошчилик ҳамда қўшничилик ҳақларида рияз этиши, ўзга дин вакилларига бағрикенгликка чамбарчас боғлиқ.

ибн Ос розияллоху анҳуну Мисрни фатҳ қилишга юборган: "Эҳтиёт бўлинг! Яна Расулulloх салоллоху алайҳи васалламнинг ўзиниғизга душман қилиб қўйманг", деб огоҳлантиргандилар.

Куръони каримнинг бир неча оятларида миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик масалалари кенг ёритилган. Жумладан, "Оли Имрон" сурасида: "Айтинг (Эй, Мухаммад!): "Аллоҳга, бизга нозил қилинган нарсас (Куръон)га ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Якуб ва (унинг) авлодларига нозил қилинган нарсаларга, Мусо ва Исо ҳамда барча пайгамбарларга Парвардигорларни томонидан берилган нарсас (вахий)га имон келтирингиз. Уларнинг орасида бирортасини (тасдиқлашда) фарқ қилмайингиз ва биз Унинг ўзигагина бўйин сунувчилармиз", дея марҳамат қилинади.

Шу суранинг охири оятда эса: "Эй, имон келтирганлар! Сабр қилингиз, бағрикенг бўлингиз ва (Аллоҳ йўлига) тахт бўлиб турингиз ва Аллоҳдан кўрқингиз, зора (охирад) наҳот топсангиз!" деб амр қилинган. Куръони карим ўзидан олдинги муқаддас китоблар Забур, Таврот, Инжилни тани олишга, ахли китобларни, яъни бошқа дин вакилларини ҳурмат қилишга чакиратилади. Одамларни ўзаро меҳр-муҳаббат, ҳамкорликка чорлаб, фитна, нифок ва низо-ларнинг ҳар қандай кўринишини енгиб ўттишга даъват этади.

Муқаддас динимиз тарихидан ҳам бағрикенгликнинг юксак кўринишига намуна бўла оладиган мисолларни кўглаб келтириш мумкин. Жумладан, Пайгамбар салоллоху алайҳи васаллам Мадинани ҳижрат этганларидан сўнг у ердаги яҳудийлар билан аҳднома тузиб, тинч-тотув ва жамият манфаати учун ҳамкорлик асосларини белгилаб, унга амал қилиб яшадилар. Шунингдек, Жайбар газотида мусулмонларга ўлжа тулган нарсалар ичида Тавротдан бир қанча саҳифалар ҳам бор эди. Яҳудийлар келиб, Расулulloх салоллоху алайҳи васалламдан ўша саҳифаларни қайтариб беришни сўради. Пайгамбар алайҳиуссалом уларни яҳудийларга қайтариб беришга амр қилдилар. Зеро, бошқа дин вакилларининг кадрларини

Мамлакатимизда турли динларга мансуб кадрларни асраб-авайлашга, фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун ва миллатларо ҳамжиҳатликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

нинг бутхоналари, (яҳудийларнинг) ибодатхоналари ва (мусулмонларнинг) масжидлари вайрон қилинган бўлур эди. Албатта, Аллоҳ Ўзига (динига) ёрдам берадиганларга ёрдам берур. Шубҳасиз, Аллоҳ кучли ва қудратлидир", дейилган.

Ушбу оят ҳар бир мусулмонга ахли китоблар ибодат қилмаган жойларини чуқур ҳурмат ва ҳимоя қилиш муҳимлигини ошқ-ойдин кўрсатиб қўйган.

Динлараро бағрикенглик гоёси нафақат диндорларнинг, балки бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутгани ҳамда тинчлик ва барқарорликнинг муҳим шарти ҳисобланади. Азаал-азалдан юртимизнинг йирик шаҳарларида масжид, черков ҳамда синагогалар ўз ибодатхоналари эмин-эркин хизмат кўрсатиб келгани, тарихимизнинг оғир синовли давларида ҳам диний асосда ҳеч қандай мижоза келиб чиқмаганлиги халқимизнинг динлараро бағрикенглик борасида улкан тажрибига эга эканлигини далolat беради. Шу боис ҳам Ўзбекистонда том маънода диний бағрикенгликнинг юксак аъноналарига амал қилинаётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Яҳудийлар жамоасининг вакилларидан бири Р. Бенеман шу ҳақда тўхталар экан, Бухорода дастлабки синагога VIII асрдаёқ қурилганини, бошқа дин вакиллари билан бир қаторда ўз динларига эркин эътиқод қилиш учун ўша пайтдаёқ етарли шарт-шароит яратиб берилганини таъкидлаб, "Ўрта аср Европаси ва Византия империясида қувғин қилинган яҳудийлик Марказий Осиёда бошқа динлар билан бир хил ҳуқуққа эга эди", деб ёзади.

Ўзбек халқининг бағрикенглиги, турли эътиқод ва маданиятларга ҳурмат билан қароши миллат ҳамда эл вакиллари томонидан чуқур самимият билан эътироф этилмоқда. Ҳозирги вақтда юртимизда 130 дан ортиқ миллат вакиллари, 16 та диний конфессия, 2200 дан ортиқ диний ташкилотларнинг диний бағрикенглик асосларида рияз қилган ҳолда ўзаро тинч-тотувликда умргузаронлик қилаётгани сўзламизнинг яқол далилидир.

Демак, жамиятнинг ривожланиши, тинчлик ҳамда оқшайтлик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик қарор топиши инсонларнинг ўзаро меҳр-оқибатли бўлиши, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиши, қариндошчилик ҳамда қўшничилик ҳақларида рияз этиши, ўзга дин вакилларига бағрикенгликка чамбарчас боғлиқ. Зеро, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик фуқаролик жамияти ривожланишининг асосий мезонларидан бири бўлиб, ушбу тамойиллар юртимиз тараққиёти ҳамда тинчлигининг гаровидир.

Оттабек МУҲАММАДИЕВ, Имом Бухорий халқоракли тадқиқот маркази директори ўринбосари.

Норасмий бандлик: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Ёлланма меҳнат бозори, оддий айтганда, мардикорлик нафақат юртимизда, балки бутун дунёда жиддий муаммолардан ҳисобланади. Ҳатто жаҳоннинг энг ривожланган давлатларидан бўлмиш АҚШда ҳам бу оддий ҳолдир. Ушбу давлатда уюлмаган кунлик меҳнатга нафақат иммигрантлар, балки АҚШ фуқаролари ҳам ёлланади. Бунда мардикорларнинг учдан бир қисми ҳуқуқбузарлик ҳолларига дуч келади. Инсофсиз иш берувчи уларни кун бўйи ишлатиб, меҳнат ҳақини бермаслиги мумкин. Паст тўлов ҳамда оғир меҳнат шароити, ишдаги жараҳатлардан ҳимоясизлик бу мамлакатда ҳам тез-тез учраб туради.

Фикр

Шундай бўлса-да, АҚШда бу каби меҳнат бозорларини тартибга солиш бўйича ишчилар иш олиб боришмоқда. Хусусан, Лос-Анжелос шаҳрида кунлик иш марказлари доимий фаолият юритади. Уларга мувожаат қилганлар бир кунлик иш топиши ва қўрқмай ишга ёллангани мумкин, шу жумладан, аёллар ҳам.

Ўзбекистонда ҳам ёлланма меҳнат бозорини тартибга солиш масаласи устида сўнги йилларда жиддий ишлар олиб боришмоқда. Бу муаммони ҳал этишга нафақат давлат тузилмалари, балки фуқаролик жамияти институтлари ҳам кенг ҳалб этилмоқда. Хусусан, Олий Махлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзолари кузатув ҳамда тадқиқотлар олиб бориб, тегишли тақлифларни шакллантирмоқда.

Шуниси эътиборлики, ҳозир мардикор бозорлари нафақат шаҳарларда, балки туман ва узоқ қишлоқларда ҳам мавжуд. Ишга ёлланган чакқан инсонлар орасида хотин-қизлар сонини, афсуски, кўпчилиги ташкил этмоқда.

Мардикорликка чакқан аёллар эрта йилларида. Бониси аксарият ҳолларда вилоятлар мардикор бозорларида уларни дала ишларига ёлланади. Ачинарлиси, нозик хилқат вакиллари оғир ишларни ҳам бажаришга мажбур бўлмоқда. Бунинг бирдан-бир сабаби — иш берувчилар фаолиятини назорат қилиш имкони йўқ. Бу эса аёллар ҳеч қандай ҳуқуқий ҳимояга эга эмас, дегандир. Қолаверса, қўглаб ўзбек аёллари кўшни Қозғистон ва Қирғизистонга пахта терими ёки бошқа қишлоқ ҳўжалиги юмушларига жалб этилаётгани ҳолатлар ҳам учрайдики, бу жараёнда уларнинг ҳуқуқлари умуман қобулатланмаган. Бунинг оқибатида улар машаққат билан меҳнат қилиб, бир тийин ололмаган пайлар ҳам, афсуски, учраб туради.

Экспертлар фикрича, айнан оғир моддий аҳвол юртимизнинг турли жойларидан келган аёлларнинг мардикор болзорига чикиб, машаққатли ва паст ҳақ тўланадиган бўлса-да, иш топиб, кун кечиршига мажбур қилмоқда.

Езилмаган қоидага бинаоан, бир кунлик иш ҳақи бир килограмм гўшт нархи даражасида белгиланади. Аммо ўша бир килограмм гўшт пулини топиш учун одамлар жазираси иссиқ ёки қаҳратон қишда эрта тонгдан тунгача меҳнат қилишга мажбур бўлади. Масалани ўрганиш жараёнида эътиборимизни тортиган жиҳат шун бўлдики, аксарият ҳолларда эркеклардан кўра аёл мардикорларга кўпроқ ишонч билдирилган экан. Сабаби эса оддий — аёллар, ҳатто ариман пулга ҳам оғир ишни бажаришдан қўрмайди, иш берувчининг ҳақига хиёнат қилмайди, юкларини охиригача бажариб, топган пулини оиласига олиб боради.

Табиийки, вақтида қилинган ана шу оғир юмушлар иссиқ кетмайди, яъни вақти келиб аёллар саломатлигига салбий таъсирини кўрсатади. Баъзи бирлари иш жараёнида турли даражада жараҳат олади. Ишга ёлланган пайтда зуравонлик ёки ноҳақлик қурбонига айланган ҳолатлари ҳам кам эмас. Чунки амалда уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан ҳимояланмаган.

Шулар асосида ҳулоса чиқарадиган бўлсак, қабул қилинган қарорларда белгиланган вазифаларнинг мутасаддилар томонидан ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши мардикорлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг мақбул ечимидир. Бу борада биз, сенаторлардан ҳам фаол бўлиш талаб этилади.

Малика ҚОДИРХОНОВА, Олий Махлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси.

ЭЪЛОНЛАР

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки акциядорлари диққатига! Хурматли акциядорлар! «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2021 йил 28 июль кунини, соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уйда жойлашган «Микрокредитбанк» АТБ мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШINI ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА Жамиятнинг номи: «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти. Жойлашган жойи: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳжўчаси, 101-уй. Электрон почта манзиллари: info@nbu.uz, webmaster@nbu.uz. Умумий йиғилиш ўтказиш санаси ва манзили: 2021 йил 30 июль, соат 9.30. Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳжўчаси, 101-уй. Акциядорларнинг реестри шакллантирилмаган сана: 2021 йил 27 июль. Кун тартибига киритилган масалалар: «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 25 декабрда 1-сонли таъсисчилар йиғилиш баёни билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти уставига ўзгартириш киритиш тўғрисида. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 25 декабрда 1-сонли таъсисчилар йиғилиш баёни билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти уставига ўзгартириш киритиш тўғрисида. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида. Банк кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Тел.: 71-202-99-99 (13-15, 13-17) Банк Кузатув кенгаши.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси иқтисодий факультетининг Иқтисодий назария кафедраси доценти лавозимида фаолият юритган Зулфия ШАМСУТДИНОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamax@mail.ru reklama@xs.uz

